

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

Тошкент шаҳри

2024 йил 09 январь

Тошкент туманлараро иқтисодий судининг судьяси С.Тўлқинов раислигида, судья ёрдамчиси Ш.Содиқовнинг котиблигида, аризачи ++++++ни ++++++нинг қарздор ++++++ни соддалаштирилган тартибда тўловга қобилиятсиз деб топиш тўғрисидаги аризаси бўйича иқтисодий ишни, аризачи вакили ++++++ (ишончномага асосан) (қарздор вакили иштирок этмади) иштирокида ўз биносида очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Аризачи ++++++ ариза билан судга муурожаат қилиб, қарздор ++++++ни соддалаштирилган тартибда тўловга қобилиятсиз деб топишни сўраган.

Суд мажлисида аризачи вакили ўз тушунтиришида қарздорнинг солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорлиги тўланмасдан келинаётганлиги, уни ундириш бўйича барча чоралар кўрилганига қарамадан ундириш имкони бўлмаганлиги, Мажбурий ижро бюросининг Шайхонтохур туман бўлими томонидан солиқ органи қарорлари “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 40-моддасига кўра ижросиз қайтарилиб, ижро ишини юритиш тамомланганлигини маълум қилиб, қарздор рўйхатдан ўтган манзилда мавжуд эмаслиги тўғрисида далолатнома тақдим этиб, қарздорни соддалаштирилган тартибда тўловга қобилиятсиз деб топишни сўради.

Суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган жавобгар вакили суд мажлисида иштирок этмади ва низо юзасидан муносабат билдирмади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (матнда ИПК деб юритилади)нинг 128-моддаси талабларига кўра, суд томонидан юридик шахснинг судга маълум бўлган охириги жойлашган ери (почта манзили), фуқаронинг яшаш жойи бўйича юборилган ажримнинг кўчирма нусхаси олувчи кўрсатилган манзилда йўқлиги сабабли топширилмаган ва бу ҳақда алоқа муассасаси судни хабардор қилган бўлса, тараф суд томонидан тегишли тарзда хабардор қилинган деб ҳисобланишини инобатга олган ҳолда, суд ишни жавобгар иштирокисиз кўриб чиқишни лозим топди.

Суд, тараф вакилининг тушунтиришларини эшитиб, иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга кўра аризачининг талабини қаноатлантиришни ва суд харажатларини жавобгар зиммасига юклашни лозим деб топди.

“Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (матнда Қонун деб юритилади)нинг 5-моддасига кўра тўловга қобилиятсизлик аломатлари қуйидагилардан иборат: вақтинча тўловга қобилиятсизлик агар тегишли мажбуриятлар юзага келган санадан эътиборан уч ой ичида қарздор томонидан бажарилмаган бўлса, шаҳарни ташкил этувчи корхона ҳамда унга тенглаштирилган корхоналар томонидан эса олти ой ичида бажарилмаса, судга

Ҳужжат имзоланган: Тўлқинов Сардорбек Ниғматилла ўғли, 13.01.2024



муружаат этиш санасида қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини қаноатлантиришга ва (ёки) солиқлар ҳамда йиғимлар бўйича ўз мажбуриятларини бажаришга қодир эмаслиги; доимий тўловга қобилиятсизлик агар судга ариза бериш санасидаги ва ариза берилган йилнинг бошидаги ҳисобот даврида, агарда ариза йилнинг учинчи чорагида берилган бўлса, ўтган йилнинг бошидаги ҳисобот даврида қарздорнинг мажбуриятлари унинг активлари қийматидан ошиб кетган бўлса. Ушбу моддада назарда тутилган қоидалар тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишлар соддалаштирилган тартибда кўриб чиқиладиганда, жисмоний шахслар, шунингдек яққа тартибдаги тадбиркорнинг тўловга қобилиятсизлиги тўғрисидаги ишлар кўриб чиқиладиганда қўлланилмайди.

Қонуннинг 7-моддасига асосан қарздор солиқлар ва йиғимлар бўйича мажбуриятларини бажармаганлиги муносабати билан унга нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги ариза билан судга муружаат этиш ҳуқуқига қарздорнинг ўзи, давлат солиқ хизмати органлари, шунингдек устав фондида (устав капиталида) давлат улуши бўлган ва (ёки) пул мажбуриятлари бўйича Ўзбекистон Республикаси олдида қарзи бўлган юридик шахсларга нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишлар бўйича ваколатли давлат органи ва унинг ҳудудий бошқармалари (бундан буён матнда ваколатли давлат органи деб юритилади) эга бўлади.

Иш хужжатларидан кўринишича, қарздор ++++++нинг таъсис хужжатлари Шайхонтохур туман давлат хизматлари марказининг 09.08.2017 йилдаги тадбиркорлик субъекти сифатида рўйхатга олинган ва унга 305016093 СТИР рақами (таъсисчилари Абдуллаев Жамол Урунбаевич,) берилган.

+++++ томонидан ++++++нинг қарздорлиги ўрганилганда, 07.12.2023 йил ҳолатига солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзи 40.906.479.39 сўмни ташкил қилган. Қонуннинг 45-моддаси иккинчи қисмига кўра, давлат солиқ хизмати органининг ҳамда бошқа ваколатли органнинг қарздорга нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги аризасига қонунчиликка мувофиқ солиқлар ҳамда йиғимлар бўйича қарзни қайтариб олишга доир чора-тадбирлар кўрилганлиги далиллари илова қилиниши керак.

Аризачи томонидан солиқ қарзини солиқ тўловчининг мол-мулки ҳисобидан ундириш тўғрисидаги қарорлари Мажбурий ижро бюроси Шайхонтохур тумани бўлими давлат ижрочисининг қарорларига асосан “Суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 40-моддасига асосан қарздорнинг мол-мулки аниқланмаганлиги сабабли ижро иши юритиш тамомланган ва ижро хужжатлари ижросиз қайтарилган.

Қонуннинг 52-моддасига кўра тўловга қобилиятсизликка оид тиклаш тартиб-таомилларидан бирини жорий этиш, келишув битимини тасдиқлаш ёки тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш учун асослар мавжуд бўлмаганда суднинг қарздор юридик шахсни тўловга қобилиятсиз деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги қарори ушбу Қонуннинг 5-моддаси учинчи қисмида назарда тутилган тўловга қобилиятсизлик аломатлари аниқланган ҳолларда қабул қилинади.

ИПКнинг 118-моддасига асосан суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади.



Қайд этилганларга кўра, суд аризачининг қарздорни соддалаштирилган таомил асосида тўловга қобилиятсиз деб эътироф этиш тўғрисидаги талабини асосли деб ҳисоблаб, уни қаноатлантиришни, суд харажатлари эса қарздор зиммасига юклашни лозим топади.

Қонуннинг 142-моддасига асосан, суд қарздорни тўловга қобилиятсиз деб топиш ҳақида қарор қабул қилаётганда тугатиш бошқарувчисини ташқи бошқарувчини тайинлаш учун назарда тутилган тартибда тайинлайди.

Мазкур ҳолатда, суд Ўзбекистон Республикаси давлат активларини бошқариш агентлигининг ++++++ худудий бошқармаси томонидан номзоди тавсия этилган учинчи тоифали суд бошқарувчиси аттестатига эга Каримов Файзулла Мирзахматовични қарздорнинг тугатиш бошқарувчиси этиб тайинлашни лозим топади.

Қонуннинг 51-моддаси иккинчи қисмига кўра, тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги иш бўйича суд ҳужжатлари, агар ушбу Қонунда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, дарҳол ижро этилиши лозим. Тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги иш бўйича суд ҳужжатининг кўчирма нусхаси суд томонидан дарҳол қарздорнинг турган жойидаги (яшаш жойидаги) давлат ижрочисига юборилади.

Юқоридагиларни инобатга олиб, “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5,51,141,142-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118,128,170, 176–179,186-моддаларига асосланиб, суд

Қ А Р О Р Қ И Л Д И:

Аризачининг аризаси тўлиқ қаноатлантирилсин.

Қарздор ++++++ соддалаштирилган таомил асосида тўловга қобилиятсиз деб эътироф этилсин ҳамда тугатишга доир иш юритиш бошлансин.

+++++нинг тугатиш бошқарувчиси этиб учинчи тоифали суд бошқарувчиси **Каримов Файзулла Мирзахматович** номзоди тасдиқлансин.

Тугатиш бошқарувчиси зиммасига:

- ++++++ тўловга қобилиятсиз деб эътироф этилганлиги ва тугатишга доир иш юритиш бошланганлиги тўғрисида “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 53-54-моддаларида кўрсатилган қоидаларга риоя қилган ҳолда маълумотларни расмий нашрда эълон қилиш;

- “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 140-150-моддаларида белгиланган тартибда тугатишга доир ишларни олиб бориш;

- оралиқ ҳисоботларни заруратга қараб судга тақдим қилиб бориш юклатилсин.

+++++ бошқарув органи қарздорнинг бошқарув органлари (ташқи бошқарувчи) тугатиш бошқарувчиси тайинланган кундан эътиборан уч иш куни ичида қарздорнинг бухгалтерия ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатлари, муҳрлари ва штамплари (муҳрлар ва штамплар мавжуд бўлган тақдирда), моддий ва бошқа қимматликлари тугатиш бошқарувчисига топширилишини таъминлайди.



Мазкур мажбуриятни бажаришдан бош тортилган тақдирда, қарздорнинг бошқарув органи (ташқи бошқарувчи), шу жумладан қарздор юридик шахснинг раҳбари, қарздор якка тартибдаги тадбиркор қонунчиликка мувофиқ жавобгар бўлиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

“Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 144-моддасида белгиланган барча мажбуриятларини тўлиқ бажариш;

- мазкур ҳал қилув қарорининг нусхасини тегишли рўйхатга олувчи органга, тегишли Мажбурий ижро бюроси ҳамда туман ДСИга тақдим этиш;

- сохта банкротлик, банкротликни яшириш ва қасддан банкротликка олиб келиш аломатларини аниқлаш натижалари бўйича икки ойлик муддат ичида хулоса тайёрлаб судга ва жиноят аломатлари аниқланган тақдирда тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга тақдим қилиш;

- тугатишга доир иш юритиш Қонун талабларига мувофиқ ташкиллаштирилсин ва ўтказилсин ҳамда тугатишга доир иш юритиш натижалари бўйича ҳисобот **09.04.2024 йилга** қадар судга тақдим этилсин.

+++++++ хисобидан ++++++
+++++++ фойдасига 34.000 сўм почта харажати ундирилсин.

+++++++ хисобидан республика бюджетига
1.020.000 сўм давлат божи ундирилсин.

Ижро варақалари берилсин.

Мазкур ҳал қилув қарорини ишда иштирок этувчи шахсларга, шунингдек Мажбурий ижро бюросининг Шайхонтохур тумани бўлими ва Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг ++++++ худудийбошқармасига етказиш тугатиш бошқарувчисининг зиммасига юклатилсин.

Ушбу ҳал қилув қарори устидан бир ойлик муддат ичида апелляция тартибида шикоят қилиниши мумкин.

Раислик қилувчи, судья

С.Тўлқинов

Ҳужжат имзоланган: Тўлқинов Сардорбек Ниғматилла ўғли, 13.01.2024

